ИШОНЧ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси газетаси

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

22 январ жума 1999 йил №10 (657)

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

Ушбу сонда:

2 КОНТРАКТАЦИЯ ШАРТНОМАСИГА ҚАНДАЙ МУНОСАБАТДА БЎЛИНАЯПТИ?

3 ҚОНУН БАРЧА УЧУН БАРОБАР

4 СПОРТ: НАМАНГАН ТАШАББУСИ

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ҚОЗОҒИСТОН САФАРИ

Ён қўшни - дўст халқнинг яхши кунида қувончига шерик бўлиш энг улуғ шарқона фазилатлардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 19-20 январ кунлари Қозоғистонга буюрган ташрифини, таъбир жоиз бўлса, ана шу олижаноб фазилатнинг яна бир ёрқин намойиши дейиш мумкин.

20 январ куни Остона шаҳрида Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси Нурсултон Назарбоевнинг Қозоғистон Республикаси Президенти сифатида фаолият бошлашига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди.

Қозоғистоннинг янги пойтахтидаги «Конгрес хол» саройига узоқ-яқин мамлакатлардан ташриф буюрган давлат ва ҳукумат бошлиқлари, дипломатия корпуси ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари йиғилди.

Қозоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси З.Балиева Нурсултон Назарбоевга Қозоғистон Республикаси Президенти гувоҳномасини топширди. Янги сайланган Президент мамлакатда Конституция ва қонунлар бажарилишининг кафолати бўлиш, Қозоғистон давлати ва халқи манфаатлари йўлида хизмат қилиш ҳақида қасамёд этди.

Сўнг Нурсултон Назарбоев ўзига юксак ишонч билдирган Қозоғистон халқига; сайловни ўтказишда кўмаклашган халқаро ташкилотлар вакиллари ва хорижий кузатувчиларга миннатдорлик изҳор этди. Маросимга ташриф буюрган меҳмонларни қутлади.

Маросим Қозоғистон санъат усталари ва ижрочи ёшларининг катта концерти билан якунланди.

Шу куни давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев билан учрашиб, уни юксак лавозимга қайта сайлангани билан самимий табриклади. Қозоғистон халқи олдида турган муаммоларни ҳал этиш, бахтли келажак йўлидаги масъулиятли ишида муваффақиятлар тилади. Н.Назарбоев Ўзбекистон раҳбарига самимий қутлов учун чуқур миннатдорлик билдирди.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов «Интерконтинентал» меҳмонхонасидаги ўз қароргоҳида Қирғизистон Президенти Асқар Акаевни қабул қилди. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш, минтақадаги интеграция жараёнларини янада чуқурлаштириш билан боғлиқ масалалар батафсил муҳокама қилинди.

Куннинг иккинчи ярмида Қозоғистон Президенти тантанали маросимга ташриф буюрган меҳмонлар шарафига қабул маросими уюштирди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов табрик нутқи сўзлади.

Президент Ислом Каримовнинг Остона шаҳрига сафари чоғида унга ташқи ишлар вазири А.Комилов, Ўзбекистон Республикасининг Қозоғистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Н.Ёқубов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

* * *

Шу куни Президент Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди. Тошкент аэропортида давлатимиз раҳбарини Бош вазир Ў.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Аҳмад ХЎЖА. (ЎзА)

«СЕН ДОИМ ҚАЛБИМДАСАН, ЖИГАРИМ»

Ҳурматли Президентимизнинг 9 Майни Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиш ҳақидаги таклифи мустақил Ўзбекистонимиз фуқаролари томонидан мамнуният ва миннатдорчилик ила кутиб олинди. Шу муносабат билан уруш ва меҳнат фахрийлари, касаба уюшма фаоллари, турли соҳа меҳнатчиларидан таҳririятимизга дил сатрлари баён этилган хатлар олинмоқда.

Қуйида улардан айримлари эътиборингизга ҳавола этилади.

ҚАЛБДАН ҚУВОНДИК

О.ДЕҲҚОНОВ, Меҳнат фахрийси, Андижон шаҳри.

Уруш инсоният бошига не-не кулфатлар солмади. Халқимиз муқаддас заминимиз, онаизорим, жигарларим дея жангга кириб қаҳрамонларча ҳалок бўлган марду-майдонларни асло унутмайди. Шу маънода Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 9 Майни Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиш ҳақидаги ташаббуси бағоят қимматлидир. Давлатимиз раҳбари бу улуғ ишнинг мазмун моҳиятини чуқур изоҳлаб бердилар. Пойтахтимизда барпо этилаётган Хотира майдони юрт фидойиларининг муқаддас ёдини ўзида мужассам этган қадамжога айланиши шубҳасиз. Биз - меҳнат фахрийлари бундай майдонларни ҳар бир туман, вилоят марказларида ҳам бунёд этиш керак, деган фикрларга тўла қўшиламиз.

Табаррук нуронийларимиз юртбошимизни дуо қилишмоқда. Бойси, ул зоти олийнинг халқпарварлиги, фидойилиги шарофати билан кўпдан-кўп улуғ ишлар амалга оширилмоқда.

Кишиларимиз ўртасидаги самимийлик, меҳру оқибат ниҳоятда кучли. Фикримнинг исботи сифатида мисол келтирсам. Маҳалламизда Холисхон опа деган муштипар аёл яшайди. Ёлғиз боши билан беш фарзандни тарбиялади. Тўнғич фарзандини уйлантиришга қийинчилик сезди. Маҳалла куй ёрдам қўлини чўзди. Ҳатто маҳалламиз ҳудудидаги катта корхона касаба уюшмаси ҳам маблағ ажратди. Нуронийлар бошчилигида тўй ўтказдик. Созандалар, хонандалар ҳам ўзимиздан чиқди. Оила аъзоларининг қанчалик қувонганликларини билсангиз эди. Энг муҳими Холисхон опанинг фарзандлари буни унутишмайди, яхшиликка яхшилик билан жавоб беришади.

МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

С.НОРАЛИЕВА, Узун тумани, пенсионер

Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир нутқларини ойнаи жаҳон орқали оила аъзоларимиз билан тинглаб ҳузур қиламиз. Биз каби оддий одамлар ҳақида алоҳида қайғурилаётганлиги, катта имкониятлар яратилаётганлигини ҳис қилиб қувонамиз. Илойим юртимизга асло кўз тегмасин.

Аждодлар хотираси муқаддасдир. Азим пойтахтимиздаги Хотира майдонида жангу-жадалларда қурбон бўлган ватандошларимиз номлари битилган лавҳалар билан бирга мотамсаро она ҳайкали яратилаётганлиги жуда улуғ ишдир. Бунда чуқур маъно бор.

Улуғларимиз жуда тўғри таъкидлашди, нафақат ўтганларни балки шу бахтли кунларга етиб, шукроналар айтаётган табаррук инсонларни қадрлаш, ҳурматини жойига қўйиш ҳам қарз, ҳам фарздир. Иймоним комилки, Хотира ва қадрлаш куни том маънода самимийлик, инсонийлик, бир-биримизга меҳр-оқибат кўригига айланади.

Хўжалигимизда қадимий анъаналаримиз қайта илдиз отмоқда. Президент фармонлари меҳнаткашларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг мустаҳкам таянчига айланган. Бошқасини қўяверинг, томорқамизнинг ўзи бизни бой қилаяпти.

Вақти келиб туманимизда ҳам албатта Хотира майдони бўлади. У ер барча зиёратчилар учун энг севимли, энг табаррук масканга айланади. Истиқлол бизга бахт эшигини очди. Туман марказида бўлсангиз замонавий усулда қурилган маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари, ажойиб ҳиёбон, турар жой бинолари қалбингизни жунбушга келтиради. Бунёдкорлик ишлари давом этмоқда.

«Ишонч» бонг уради

БЕЧОРАҲОЛ МАКТАБЛАР

Яккабоғ туманидаги 28-, Қамашидаги 34-мактаб ўқувчилари ана шундай илм масканларида ўқишмоқда

Яккабоғ тумани Бойқул Худоёров номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги «Қишлиқ» қишлоғи болалари 28-умумтаълим мактабида ўқишади. Афсуски, ҳар тонгда не умидлар билан мактабга йўл олаётган ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун бу ўқув масканида зарур шарт-шароитлар яратилмаган. Синфхоналар совуқ ва ёруғлик етарли эмас. Хоналарнинг эшиклари очилса ёпилмайди, ёпилса очилмайди, ёритилмайди; негаки лампочкалар тугул патронлар ҳам йўқ. Бурчакдаги печкалар олдида уюм-уюм қилиб тўплаб қўйилган шох-шаббалар киши дилини хира қилади. Шундай ҳолдаги 14 та синфхонада 420 нафар ўқувчилар 2 сменада ўқишади. Мактабдаги спорт майдончаси ҳам талабга жавоб бермайди. Торгина, номигагина бўлган майдончада болалар машғулот ўтказишлари учун умуман шароит йўқ. Қишда тизза бўйи лой, ёзда тупроққа беланган болалар жисмоний тарбия машғулотларини номигагина ўтишмоқда.

-Мактабнинг спорт мажмуи илгариги хўжалик раҳбарлари одамларга шахсий томорқа учун бўлиб беришгач, майдонча тор бўлиб қолди,-дейди директор Раҳмат Аҳмедов афсусланиб.

Ўтган ўқув йилида мактабни тугаллаган 38 нафар ўқувчидан 2 нафари олий ўқув юртига, 10 нафари ўрта махсус билим юртларига ўқишга киришди холос. Ҳар йили битирувчи синф ўқувчиларидан олий ва ўрта махсус билим юртларига ўқишга кираётганлар 8-10 фоизни ташкил этмоқда. Бу шубҳасиз юқоридаги кўнгилсиз ҳолатнинг «маҳсули» албатта.

- Мактабларимизнинг аҳволидан уяламиз,-дейди «Қишлиқ» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ибодулла Бобоқулов.- Таълимни яхшилаш учун ҳали кўп ишлар қилиниши керак. Лекин, бундан 12 йил илгари асос солинган Ҳамид Олимжон номли мактабнинг янги биноси чала ташлаб кетилган. Маблағ йўқлиги баҳонасида битмаётган мазкур мактаб биноси харобага айланмоқда.

Бойқул Худоёров номли хўжаликнинг 8 мингдан ортиқ, «Ҳақиқат» хўжалигининг 9 мингдан зиёд аҳолиси учун бошқа муаммолар ҳам етарли. «Қишлиқ» қишлоғи йўллари қишда лой, ёзда тупроқлигидан одамлар қийналишмоқда. Бу ерда сартарошхона номигагина бор. Табиий газни қишлоқ кишилари ҳозиргача орзу қиладилар. «Нуғайли»даги мактаб биноси чала ташлаб кетилганига ўн йилдан ошди. «Туя гўшти еган» мактаб биноси деворлари йил-сайин ўпирилиб, яроқсиз ҳолга келмоқда.

- Курилиши тугалланмаган 5 та мактаб бор,-дейди туман халқ таълими бўлими мудири Исроил Келиёров. - Уларни тугаллаш учун маблағ етишмаяпти...

Бундай ачинарли ҳолни Қамаши туман халқ таълими бўлимига қарашли мактабларда ҳам учратиш мумкин. Бугунги кунда тумандаги 82 та мактабда меҳнаткашларнинг 45 мингдан ортиқ ўғил-қизлари таълим - тарбия олишмоқда. «Чим» жамоа хўжалигидаги Норбўта Шаропов номли 24-мактабда бугунги кунда 937 нафар ўқувчи илм олади. 1964 йилда қурилган хўжаликнинг маъмурий идораси биноси мослаштирилиб, ўқувчилар ихтиёрига топширилган. Шундан кейин 1974 йилда 320 ўринли, 1984 йилда 300 ўринли бино қурилиб фойдаланишга топширилди. Йилдан-йилга ўқувчиси ортиб бораяпти. Бироқ бундан ўн йил илгари яхши ниятлар билан бошланиб қурилиши ниҳоясига етмаган янги корпусга ўрнатилган ромлар кўчириб олиниб, бошқа жойга олиб кетилганича қайта ўрнатилмади. Каттагина спорт мажмуаси ва ошхона учун мўлжалланган бинолар қурилиши ҳам аро йўлда.

- Ўқувчиларимиз синфхоналарга сиғмай қолаяпти,-дейди мактаб директори Рўзимурод Муродов. - Агар битиш арафасида турган 320 ўринли бино топширилганида эди, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишларни бекаму-кўст бажарардик.

Тумандаги Бозор Чоршанбиев номли мактабнинг бугунги аҳволи ҳаммани ташвишга солмоқда. Мактаб директори Хайрулло Бобоёровнинг айтишича, 1949 йилда қурилган ушбу илм маскани биноси авария ҳолатида. Ҳатто мактабни икки марта сув босган. Лангар дарёси ёқасидаги мазкур мактаб ўқитувчилари кучли сел бўлганида юракларини ҳовучлаб туришади. Синфхоналар қоронғу, зах. Мактабнинг янги биносини қуриш учун 1992 йилда лойиҳа ҳужжатлари тайёрланганди. Бироқ, унга маблағ ажратилмади.

- Кейинги уч йилда 4 дона стол ва 10 дона стул олдик. Бу албатта ўқувчилар эҳтиёжи учун жуда кам,-дейди директор.

Ҳар йили туман мактаблари учун келтириладиган 150-160 парта-ю, 30-40 дона стул урвоқ ҳам бўлмаяпти. Мактабларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш учун камида 2000 дона парта, 100 дона доска, 500-600 дона стул керак. Хўш, буни ким олиб беради?

Норбўта Шаропов, Чўлпон, Қори-Ниёзий, Одил Муҳаммадиев номли мактабларнинг янги бинолари қурилиши турли сабаблар билан ташлаб қўйилган.

Турли сабабларни рўкач қилиб ишни пайсалга солиш — келажак авлоднинг етарли даражада билим олишига тўсқинлик қилиш билан баробар. Ахир вақт, умр ўтиб бормоқда...

Шавкат СУЛТОНОВ, «Ишонч» мухбири.



Суратда: Яккабоғ тумани «Нуғайли» қишлоғидаги бундан 12 йил илгари қурилиши бошланиб, ҳалигача чала ётган мактаб биноси.

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

БАРАКА ТОП - «БАРАКА»

Ғиждувон туманидаги «Барака» хусусий савдо ишлаб чиқариш корхонаси мустақиллик шарофати ила бунёд бўлган янги жамоалардан бири.

Шуниси эътиборга лойиқки, мулкдорлар ўтган йилни 10 миллион сўм соф фойда билан якунладилар. Ҳозирги кунда эса хўжаликлараро ва корхоналараро жамоа шартномалари имзоланмоқда.

Жамоанинг асосий юмуши хўжаликлардан дон қабул қилиб олиб, уларга ун ва ун маҳсулотлари етказиб беришдан иборат. Ўтган ғалла мавсумида жами 19 та шартноманинг барча шартлари тўлиқ бажарилди.

- Ютуқларнинг асосий сабаби - бу ёрдамчи хўжалигимиздан самарали фойдаланганимиз ҳамда ишчиларнинг ишга бўлган муносабати ва шартномаларнинг тўлиқ бажарилишини қатъий назорат қилинганида, деб биламан,-дейди корхона бош ҳисобчиси Исомиддин Абдиев.

Ёрдамчи хўжаликда 50 бош қорамол, 260 бош чўчқа, 25 бош от ва 1549 бош майда шохли моллар парваришланмоқда. Чорва учун 11 гектар ерга озуқабоп экинлар экиб келинмоқда.

Ғиждувон тумани деҳқон бозорларини арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда «Барака» жамоа аъзолари муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Шу боисдан бўлса керак, истеъмолчилар улар меҳнатига баҳо бериб, «Барака топ, «Барака» дейишмоқда.

БИР ФАРМОН ШАРОФАТИ

- Илгарилари одамлар бизнинг фаолиятимизга анчагина лоқайд қарар эдилар. Ҳозир эса бундай эмас. Улар идорамизга ҳар куни келиб оила, маҳалла қувонч-ташвишларини баҳам кўришмоқда, у ёки бу тадбирни ўтказиш тўғрисида маслаҳат сўрашмоқда.

Қишлоқ фуқаролар йиғинида узоқ йиллардан буён ишлаб келаётган оҳангаронлик Абдусаттор Ашуровнинг ғурур билан айтган бу гапларида жон бор. Ҳақиқатан ҳам мустақиллик туфайли маҳалла қўмиталари, фуқаролар йиғинларига одамларнинг ишончи, ҳурмати кучаймоқда.

Оҳангарон туманида ҳам маҳалла қўмиталари ваколатларининг кенгайтирилаётгани улар фаоллигини, иш кўламини янада оширмоқда. Увак қишлоқ фуқаролар йиғини бу борада хайрли ишлар қилаётир. Хусусан, ўтган йили фуқаролар йиғини томонидан етмишдан зиёд эҳтиёжманд оилага зарур моддий ёрдам кўрсатилди. Кўп болали оилаларга нафақаларнинг маҳалла қўмиталари томонидан тайинланаётганидан ҳамма мамнун. Зеро, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари бу каби масъулиятли вазифаларни бажаришда етарли тажриба тўплаб, халқ ишончини қозонаяпти. Куни кеча Президентимизнинг маҳалла қўмиталари мавқеини янада оширишни кўзда тутувчи Фармони эълон қилинди.

- Бизнинг зиммамизга жуда катта ишонч билан бирга яна бир улкан масъулият ҳам юкланди,- дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдураим Исоқов. - Муҳими, аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоялаш борасида янада кенг имкониятларга эга бўлдик.

Сир эмас, аҳолидан коммунал хизматлар ҳақини йиғиш борасида камчилик ва нуқсонлар етарли. Бунда маҳалла фаоллари қўмагининг долзарблиги табиий. Тушумларнинг маълум қисми эса маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ихтиёрида қолдирилиши айни муддаодир. Эътиборли томони шундаки, бу маблағларнинг қанчалик кўп бўлиши ўзимизга боғлиқ. Аҳоли ўртасида қанча кўп самарали иш олиб борсак, мухтож оилаларни шунча кўп ижтимоий ҳимоя қилиш, ободончилик ишларини жонлантириш имкониятига эга бўламиз. Қолаверса, бу вазифаларни адо этишда жонбозлик кўрсатадиган ходимларимизни, маҳалла фаолларини муносиб рағбатлантириб бориш ҳам жуда муҳимки, Фармонда бунга кенг йўл очиб берилган.

Неъмат Душаев, ЎзА мухбири

ШИКОЯТ ТЕКШИРИЛДИ, АДОЛАТ ЎРНАТИЛДИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қабулхонасига меҳнаткашларнинг мурожаат қилишлари шуни кўрсатадики, жойлардаги айрим раҳбарлар ҳали-ҳануз қонунлар асосида иш юритишга ўрганишмаган. Ҳуқуқий демократик давлат қураётган эканмиз, қонун меъёрларини бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлигини даставвал улар тушунишлари лозим. Йўқса, аҳолидан шикоятларнинг келишига нима дейиш мумкин?

Даъволарнинг аксарияти ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар туфайли ишчиларга тўланмаётган иш ҳақи хусусида. Масалан, «Ўзғаллабанк»нинг Фарғона бўлими ходими Акмал Саидазимов маъмурият айби билан тан жароҳати олган. Натижада жисмонан, маънан ва моддий зарар кўрган. Ҳужжатлар вилоят касаба уюшмалари қўмитасининг техник назоратига юборилиб, бу ҳолатни содир этилган жойда кўриб чиқиш тавсия этилди.

Янгийўл туманидаги «Тинчлик» жамоа хўжалиги аъзоси, II гуруҳ ногирони А.Азаматовнинг шикоят қилишича, соғлигига етказилган зарар учун тўланадиган нафақани анча вақтдан бери ололмай юрган. Даъвони атрофлича ўрганиб чиққан Тошкент вилояти касаба уюшмалари қўмитаси техник назорати ходимлари унга тегишли бўлган 21 минг 564 сўмни ундириб беришди.

Муродулла ҒАФУРОВ.

Таҳлил, танқид

КОНТРАКТАЦИЯ ШАРТНОМАСИ

унга қандай муносабатда бўлинаяпти?

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни жадаллаштириш, мулкчиликнинг турли шаклларида хўжалик юритиш механизмини такомиллаштириш иқтисодий ислоҳотларнинг асосий вазифаларидир. Шу боис қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган хўжаликлар орасида шартномалар тузиш қизғин тус олди.

Айниқса, бу соҳада Олий Мажлиснинг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида»ги қарори хўжалик субъектларининг шартномавий муносабатларини юқори даражага кўтариб, тарафларнинг ўзаро манфаатдорлиги, мулкий жавобгарлиги ва шартнома интизомига риоя қилишларини қонун йўли билан белгилаб берди.

Бу йўналишда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги янги қонунни 1998 йилнинг биринчи ноябридан амалга киритилиши муносабати билан вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан ҳамкорликда 1999 йил ҳосили учун шартномаларнинг янги нусхаларини ишлаб чиқдилар ва Адлия вазирлигининг халқ хўжалигида ҳуқуқий ишлар бошқармаси билан келишилган ҳолда хўжалик субъектлари орасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларига контрактация шартномалари тузишга тавсия қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 31 декабрдаги «Давлат эҳтиёжларига сотиб олинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳисоб-китоб қилиш учун «Фонд» ташкил қилиш тўғрисида»ги Фармонига асосан пахта хом ашёси ва донлар учун ишлаб чиқилган шартнома нусхалари шу соҳага таллуқли вазирликлар ва идоралар билан қайтадан кўриб чиқилмоқда.

Лекин асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириб берувчи Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги хўжаликлар бўлишига қарамай, айрим уюшма ва ташкилотлар бир томонлама, вазирлик билан келишмаган, янги қонунчиликни ҳисобга олмаган ҳолда шартнома нусхаларини ишлаб чиққанлар ва тизимдаги корхоналарга шартномалар тузишда фақатгина ушбу нусхалардан фойдаланиш тўғрисида кўрсатмалар берганлар. Бундай нусхаларда шартномалар тузиш хўжаликларни пировард натижада салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини инобатга олмаганлар.

Янги шартнома нусхаларида эса амалдаги қонунлар, Ҳукумат қарорлари ва ҳозирги кун талаблари ҳисобга олинган. Шунингдек, шартнома тузиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатнома, хўжалик ва тайёрлов ташкилотининг мажбуриятлари, маҳсулот учун ўзаро ҳисоб-китоб қилиш йўллари, томонларнинг мулкий жавобгарликлари, Форс мажор, яъни шартнома тузувчи томонлар ўз мажбуриятларини асосий сабабларга кўра бажара олмаганликлари тақдирда қандай йўл тутиш керакликлари кўрсатилган.

Хўжалик субъектлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун шартномалар тузишда Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисида Низом»ни асос қилиб олишлари керак. Негаки, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий - ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг кучга киритилиши муносабати билан норматив ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хўжалик субъектларига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда хўжалик шартномаларининг ўз вақтида тузилишини таъминлаш юклатилган. Бу соҳада маҳаллий давлат ҳокимият органлари давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш шартномаларини тузиш ва уни бажариш ишларини мувофиқлаштириб, ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш чораларини кўришлари зарур. Ваҳоланки, айрим вазирлик, идоралар, ҳокимликлар Вазирлар Маҳкамаси тегишли қарорларининг бажарилишига эътиборсиз қарамоқдалар. Ўта муҳим вазифани ўзи бўларлик ҳолатига ташлаб қўйиш ҳоллари ҳам содир бўлмоқдаки, булар хўжалик субъектлари орасида шартномалар тузилмаслигига олиб келмоқда.

Биргина мисол. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 сентябрдаги қарори билан давлат буюртмаси қилиб белгиланган 2 миллион 200 минг тонна бошоқли донга тузиладиган контрактация шартномалари 1998 йил 1 ноябргача тугалланиши кўрсатилган эди.

Қашқадарё вилоятидаги «Шўртангаз» бирлашмаси - 1800 тонна, Навоий кон-металлургия комбинати хўжаликлари - 1505 тонна етиштириладиган донни ўз эҳтиёжлари учун қолдириш мақсадида давлатга дон сотишни истамаганликлари сабабли шартномалар тузмаяптилар.

«Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси ва «Редметзолото» концерни раҳбарларига, Қашқадарё ва Навоий вилоятлари ҳокимликларига дон маҳсулотлари учун шартномалар тузилиши шарт бўлган мурожаатлар ижобий натижа бермади.

Улар фақатгина 1996 йилда олинган рухсатномани 1999 йил ҳосили учун ҳам қўлланилишини баҳона қилиб, хўжаликларига давлатга дон топширмаслик тўғрисида кўрсатма берган.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига контрактация шартномаларини тузиш бўйича ишлаб чиқилган низомда тайёрловчи ташкилотлар хўжаликларга бориш ва шартномалар тузишда уларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олишлари кераклиги кўрсатилган. Лекин, ҳар йили бўлгани каби, бу йил ҳам шартномалар тузиш компаниячиликка айланиб қолмоқда. Тайёрловчилар хўжаликларга бориш ўрнига белгиланган жадваллар бўйича туманларда йиғилиб, ўша ернинг ўзида шартномалар тузаяптилар ва уларни муҳрлаяптилар.

Банк реквизитларининг тушиб қолиши, хўжаликлар шартномалардаги қўшимча шартларга ўзининг таклифини киритаолмаслиги, шунингдек, бошқа муҳим талаблар шартномаларда ўз аксини топа олмаётганлиги ҳам шундандир. Натижада шартномалар номигагина, туздикми - туздик шаклидаги тадбирга айланиб бораяпти.

1999 йил ҳосилидан мева, сабзавот, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни харид қилиш учун тузилаётган шартномалар миқдори 1998 йил ҳажмига кўтарилаётгани йўқ. Сабаби тайёрловчи ташкилотлар шартномаларда келишилган мажбуриятларини бажара олмадилар.

Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, ўтган йилнинг май-июн ойларида сотилган хом пилланинг пулини шу вақтгача оддий колхозчи қўлига олмаган бўлса ёки ўз транспортида олиб бориб маҳсулот топширган оддий фермер консерва заводидан тегишли ҳақини ололмаса, бу ҳолларни қандай баҳолаш мумкин?

1998 йилнинг биринчи декабр ҳолатига «Ўзпахтасаноатсотиш»-8965,4 миллион сўм, «Ўзмевасабзавотсаноат-холдинг»-416,2 миллион сўм, «Ўзпиллачилик»-1053,7 миллион сўм ва бошқа қатор вазирлик ва идоралар, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги хўжаликлардан 29808,1 миллион сўм қарз бўлиб, хўжаликларни қийин иқтисодий аҳволга солиб қўймоқда. Натижада хўжаликларда тайёрловчиларга нисбатан бўлган ишонч сусайиб бораяпти.

Шартномаларда қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан кам бўлмаган миқдорда аванс тўловларини тўлаш ўз ифодасини топиши шарт, томонлар келишилган муддатда ва кўрсатилган фоизда олдиндан пул тўлаб қўйишлари кўрсатилган.

Давлат эҳтиёжига сотиб олинадиган маҳсулотлардан бошқа турини тайёрлайдиган идоралар, ташкилотлар 100 фоиз аванс (бўнак) бериш учун ваъдалар берадилару, бироқ кафолат беролмаяптилар. Натижада шартномалар тузиш муддатлари чўзилиб кетаяпти.

1998 йил 13 январга қадар шартнома гўшт-15,6 минг, сут-101, мева-63, узум-95, картошка-37,5, сабзавот-164,6, пилла-8,5 ва шоли-92,9 минг тоннага тузилган бўлса, бу йил шу кунгача гўшт-7,3, сут-54,5, мева-25,3, узум-44,9, картошка-19,5, сабзавот-72,5, пилла-4,5 ва шоли-23,2 минг тоннага тузилди, холос.

Кўриниб турибдики, улар маблағ масалаларини олдиндан узил-кесил ҳал қилмай ва шу баҳонада қишлоқ хўжалик маҳсулотларига шартномалар тузишни атайлаб орқага сурмоқдалар. Чунки, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ғарқ пишиб етилганда, бошқа топширадиган жойлари йўқлиги сабабли, хўжаликлар шу корхонага олиб келишларини яхши биладилар, шартномани маҳсулотларни қабул қилиш пайтларида ўз тазйиқларини ўтказиб, нархини, сифатини пасайтирадилар, пулини хоҳлаган пайтида тўлайдилар. Вилоятлардаги монополияга қарши кураш бошқармалари бозор нархларини, маҳсулотлар етиштириш учун кетган сарф харажатларни ҳисобга олмай нарх-навони белгилаб бераверадилар.

Масалан, сабзавот Андижон вилоятида - 6,1, Қашқадарёда - 6,7, Фарғонада - 5,2 сўмдан;

полиз маҳсулотлари Қашқадарёда - 3,8, Самарқандда - 4,2, Фарғонада - 3,5 сўмдан;

мевалар - Қорақалпоғистон Республикасида - 4,3, Сирдарё вилоятида - 5,6 сўмдан;

узум - Навоий вилоятида - 11,8, Қашқадарёда - 12,8 сўмдан;

гўшт (тирик вазнда) Сирдарё вилоятида 78,1, Қорақалпоғистон Республикасида - 16,4, Андижонда - 16,0, Сурхондарёда - 17 сўмдан ошмаган ҳолда қабул қилдилар.

Жиззах вилоятининг Бахмал туманидаги шароб (вино) заводида олманинг 1 кг ўртача нархи 6 сўмдан, узум эса 10 сўмдан қабул қилинган.

Тошкент вилоятида 1999 йил шартномалари бўйича тайёрловчилар таклиф қилаётган бир литр сутнинг нархи 25 сўмдан ошаётгани йўқ. Ваҳоланки, бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархи сотиладиган нархлардан анча юқори.

Тузилаётган шартномаларда ҳар бир тайёрловчи ташкилот олиб келинган маҳсулотларни давлат стандарти талаблари бўйича қабул қилиб олиши ва унга келишилган муддатда хўжаликлар билан ҳисоб-китоб қилишлари кўрсатиб ўтилган.

Аммо, айрим ташкилотлар шартнома бир ёқда қолиб, маҳсулотларни ўзлари билганча ва хоҳлаганча қабул қилиб, хўжаликларнинг иқтисодиётига моддий ва маънавий зарар етказаяпти.

Жиззах, Учтепа, Дўстлик пахта тозалаш заводларида пахта хом ашё сифатини пасайтириб қабул қилиш натижасида хўжаликлар ҳақидан 130,5 минг сўм уриб қолинган.

Андижон вилояти Сўфиқишлоқ пахта тозалаш заводида Пахтакор жамоа хўжалигидан келтирилган 17,8 тонна пахта хом ашёсини иккинчи навда қабул қилиб, биринчи навли тола ишлаб чиқарган ва 100,6 минг сўм фарқ корхона ихтиёрида қолган.

Бўка бош пиллахонаси «Бўстон» жамоа хўжалигидан пиллани биринчи нав - 29,6 фоиз, ноқобил - 25 фоиз қилиб қабул қилган, қайта текширилганда биринчи нав - 55,2 фоизни ва ноқобил - 12,6 фоизни ташкил этди.

Навбаҳор дон қабул қилиш корхонасида бир кунлик қабул қилиб олинган доннинг натура ҳисобига Азизов номли жамоа хўжалигидан 2114, Фурқат номли ширкатлар уюшмасидан 995, Жиззах вилояти Faллаорол элеваторида Худоёров номли жамоа хўжалигидан 2402 сўм ортиқча ушлаб қолинган.

Айрим назорат органлари ваколат доирасига кирмасада, шартнома бўйича қабул қилинган шолилар учун тоннасига 31500 сўмдан нарх тўлансин деган кўрсатмага амал қилиб хўжаликлардан 370 миллион сўмга яқин пулларни ушлаб қолдилар. Шунга ўхшаш ҳолатлар Сирдарё вилояти хўжаликларида ҳам содир бўлган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 августдаги, 1995 йил 16 августдаги қарорлари билан хўжаликлар ва тайёрлов ташкилотлари ўртасида сифат ва миқдор бўйича ўзаро келишмовчиликларни ҳал қилиш, ҳисоб китобларни вақтида ва тўғри бажарилиши устидан назорат ўтказиш, маҳсулотларни тайёрлаш ва унинг сифати бўйича ишлар бош давлат инспекцияси зиммасига юклатилган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонунида «... текширишлар ваколат доирасида ва қонун ҳужжатлари белгиланган тартибда амалга оширилиши» кераклиги белгилаб қўйилган.

Шартномаларнинг моҳияти ортиши билан хўжалик судларига даъвоаризалар билан мурожаат қилувчилар сони ортиб бормоқда.

1998 йилнинг 11 ойида хўжалик судларида фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун тузилган контрактация шартномалари бўйича 557 та даъво-аризалар кўриб чиқилди. Шулардан 467 таси хўжаликлар фойдасига ҳал қилиниб, уларнинг ҳисобига 653,6 минг сўм ўтказиб берилди.

Контрактация шартномалари хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи асосий ҳужжат бўлганлигини ҳисобга олиб, шартномалар тузишда шошма-шошарликка йўл қўймаслигимиз ва шартномалар қонун талаблари асосида томонларнинг манфаатдорлиги кўзланган ҳолда тузилишига эътиборимизни кучайтиришимиз керак.

Одил ИСАБЕКОВ,
Маҳсулотларни тайёрлаш ва унинг сифати бўйича бош давлат инспекциясининг бошлиғи.

1999 йил - Аёллар йили

ШИФОХОНА ИШ БОШЛАДИ

Нукусда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, куни-кеча шаҳар марказида қурилаётган туғруқхона қошидаги поликлиника фойдаланишга топширилди. Асосий иншоот - туғруқхона биносида эса сўнгги пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. «Қорақалпоқфуқароқурилиши» бирлашмаси бўлинмалари бу ерда салкам беш миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарди. Янги шифохона баҳор байрами - Наврўз арафасида тўла ишга тушириладди.

МИЖОЗЛАР МАМНУН

Тахиатош шаҳридаги маиший хизмат кўрсатиш уйи ўтган йили мижозларга 5 миллион сўмликдан кўпроқ хизмат кўрсатди. Бундай кўрсатгичга эришишда мазкур корхона мажмуидаги «Сарвиноз» тикувчилик цехи тикувчиларининг ҳиссалари салмоқли бўлди. Улар буюртмачиларга 1 ярим миллион сўмлик кийим-кечак маҳсулотлари етказиб бердилар. Маҳсулотларнинг ичида ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ ва туркман халқларининг миллий кийимлари ҳам мавжуд.

Чеварлар жорий Аёллар йилини ҳам кўтаринки кайфият ва ғайрат билан бошладилар. Улар Хоразм воҳасининг нурчилар шаҳри ҳисобланган тахиатошлик хотин-қизлардан тушган буюртмаларни сифатли битказиб, январ ойининг биринчи ярми режасини бажариб бўлдилар. Ҳар бир тикувчининг бир кунда бажарган иш унуми 7 минг сўмданга тўғри келди. Ўз ишининг моҳирлари ҳисобланган тажрибали чеварлардан Рита Тилевмуротова, Гулойим Авелбоева, Дона Босбоева ва Маржон Бекпўлатовалар юқори кўрсатгичларга эришиб мижозлар меҳрини қозонмоқдалар.

Ҳалол ва сидқидилдан меҳнат қилиб, бежирим ва сифатли кийим-кечаклар тайёрлаётган чеварларга мижозлар буюртмаларининг ошиб бораётгани ҳам шундан бўлса ажаб эмас.

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.

OLAMDA NIMA GAP

Б У Х А Р Е С Т. Руминия Югославия ҳукуматини Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Косоводаги миссияси раҳбари Уилям Уокерни мамлакатдан чиқариб юбориш ҳақида қарор қабул қилмасликка чақирди. Бундай қарор ўлкадаги вазиятни янада чигаллаштириши мумкин, дейилади Руминия ташқи ишлар вазирлиги баёнотида.

Руминия ташқи ишлар вазирлиги ЕХҲТнинг Косоводаги миссиясига ишонч билдиради ҳамда уларнинг шу кунгача қилган ишларини ижобий баҳолайди, дейилади жумладан баёнотда. Шунингдек, баёнотда Руминия ҳукумати Косоводаги барча зўравонлик ҳаракатларини қоралаши ва ўлкадаги беқарорлик тинч йўл билан ҳал қилинмоғи зарурлиги таъкидланади.

* * *

Г А А Г А. Финляндия президенти Мартт Ахтисаар расмий ташриф билан Голландияга келди. Икки кунлик ташриф давомида у Голландия қироли Беатрикс, Бош вазир Вим Кок ҳамда парламент вакиллари билан учрашади. Музокараларда икки мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни ҳамда Европа Иттифоқи доирасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, минтақа хавфсизлиги билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

М.Ахтисаар Гаагадаги халқаро ташкилотлар - БМТ халқаро суди, Кимёвий қуролларни тақиқлаш ташкилоти, Собиқ Югославия бўйича халқаро трибунал ва бошқа ташкилотларда ҳам бўлади.

* * *

Б О Н Н. Германия ташқи ишлар вазири Йошка Фишер агар ЕХҲТнинг Косоводаги миссияси раҳбари Уилям Уокер Югославия ҳудудидан чиқариб юборилса, Европа Иттифоқи томонидан бу мамлакатга санкция эълон қилиниши мумкинлигини айтди. Й.Фишер Югославия президенти Слободан Милошевични бу ҳақда огоҳлантирди.

Унинг таъкидлашича, Югославия ҳукуматининг бу каби ишлари дунё мамлакатлари, шу жумладан, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг ҳам жиддий норозилигига учраши турган гап.

* * *

Ж Е Н Е В А. Швейцарияда қуролсизланиш бўйича халқаро анжуман бошланди. Унда 60 дан ортиқ мамлакат вакиллари иштирок этмоқда. Тадбирда ядро қуроли ҳамда пиёдаларга қарши ишлатиладиган миналарни тақиқлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади. Шунингдек, анжуманда ядро қуролига эга бўлган беш мамлакат вакиллари ядро қуроли учун зарур бўлган эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқармаслик борасида кўп томонлама келишувга эришиш кутилмоқда.

* * *

В Е Н А. Косово муаммоси кун сайин чигаллашиб бораётгани туфайли Австрия, Норвегия ҳамда Польша ташқи ишлар вазирлари Венада учрашув ўтказишни режалаштирмоқда. Бу учрашувда ЕХҲТнинг Косоводаги бундан буёнги фаолияти ҳамда ўлкадаги бошқа муаммолар билан боғлиқ масалалар муҳокама қилиниши кўзда тутилаётир.

* * *

Б У Э Н О С - А Й Р Е С. Маълумки, айни пайтда Буюк Британия Лордлар палатаси генерал Пиночетнинг «дипломатик дахлсизлик» мақомига эга ёки эга эмаслиги масаласини кўриб чиқмоқда. Агар лордлар бу масалани ижобий ҳал қилгудек бўлса, собиқ диктатор қамоқдан озод этилади.

Чили ҳарбий-ҳаво кучлари самолёти А.Пиночет қамоқдан озод этилгач, уни ватанига олиб келиш учун Лондонга учади. Хабарларга қараганда, «Боинг-707» самолёти Лондон яқинидаги ҳарбий-ҳаво базаларидан бирига «Пиночет иши» бўйича Лордлар палатаси қарор қабул қилиши арафасида қўнади.

* * *

Н Ь Ю - Й О Р К. Бу ердаги «Сотбис» кимошди савдосида қадимий мебелларни сотишдаги янги рекорд ўрнатилди. Савдо арафасида нархи 500 мингдан 800 минг АҚШ долларигача баҳоланиши тахмин қилинган китоб жавони 8 миллион 250 минг 500 АҚШ долларига сотилди. У XVIII асрда ишланган.

Тахминан 1745 йилда ясалган бу ноёб мебел Франциядан топилган. Ньюпортлик машҳур уста Кристофер Таунседнинг хона мебеллари ичидаги энг гўзал ижод намунаси деб баҳоланган мазкур жавонни яна бир таниқли уста - Сэмюел Кейси кумуш билан безаган.

* * *

Б О Г О Т А. Бу ерда «Колумбия инқилобий қуролли кучлари» қўзғолончилари раҳбарлари мамлакат ҳукумати билан олиб борилаётган музокараларда иштирок этишни давом эттиришдан бош тортди. Хабарларга қараганда, улар Колумбия ҳукуматидан тинч аҳолини қирғин қилишда айбланаётган «Парамилитарес» ўнг экстремист қуролли тузилмаларга қарши кескин чора-тадбирлар кўришга чақирган. Мазкур ташкилот жангарилари сўнгги икки ҳафта мобайнида мамлакатнинг олти вилоятида 200 дан ортиқ кишини қўзғолончилар билан алоқа қилганликда айблаб ўлдиришган.

«Колумбия инқилобий қуролли кучлари» етакчилари «Парамилитарес»га қарши ҳукумат қатъий чоралар кўргач, музокаралар давом эттирилиши мумкинлигини маълум қилди.

* * *

К А Р А К А С. Яқинда Венесуэла президенти этиб сайланган Уго Чавес ўз вазифасини бажаришга расман киришишдан икки ҳафта олдиноқ муҳим сиёсий ғалабани қўлга киритди. Мамлакат олий суди унинг «Конституцион ассамблеяни чақириш» ҳақида референдум ўтказиш тўғрисидаги талабини конституцияга зид эмас, деб топди. Маълумки, Конституцион ассамблеяни чақиришдан асосий мақсад мамлакат Конституциясига радикал ўзгартишлар киритишдан иборатдир. Ва ниҳоят Венесуэла олий суд органининг мазкур қарори мамлакатда шу масалада умумхалқ сўрови ўтказишнинг қанчалик маъқул ёки номаъқуллиги хусусида авж олган турли баҳсларга чек қўядиган бўлди.

* * *

М Е Х И К О. АҚШ ўзининг Панамадаги ҳарбий иштироки муддатини янада узайтирмоқчи, деган хабар ҳақиқатга тўғри келмайди. Панама ташқи ишлар вазири Хорхе Эдуардо Риттер шундай деди. Унинг айтишича, АҚШ расмий доиралари бу ердаги ҳарбий базаларни ёпишни чўзиш ҳақида ҳеч қандай расмий илтимос билан мурожаат қилмаган. Бундай «иғвогарона» руҳдаги хабарларни Панама ҳудудида АҚШнинг ҳарбий иштирокидан манфаатдор кишиларгина тарқатиши мумкин, деди Х.Э.Риттер.

АҚШ Панамадаги йирик «Ховард» авиабазаси ўрнида гиёҳванд моддалар савдосига қарши кураш бўйича кўп миллатли марказ тузиш бўйича Панама маъмуриятига таклиф киритган эди. Бироқ олиб борилган икки томонлама музокаралар натижасиз тугади.

(ЎзА).

OLAMDA NIMA GAP

Тажриба

Касаба уюшма ва меҳнат муҳофазаси

Бизнинг ишимизда энг муҳими, инсонни муҳофаза қилишдир. Ўтган йил давомида техника хафвсизлигини сақлаш, меҳнат муҳофазасини таъминлаш йўлида қатор тадбирлар амалга оширилди. Тармоғимизда 350 дан зиёд темир йўл транспорти ва транспорт қурилиш корхоналари бўлиб, 300 дан зиёд текширувлар ўтказилди, камчиликлар аниқланиб, олти мингдан кўп қоидабузарликлар аниқланди. Бу камчиликларни бартараф этиш юзасидан ёзма кўрсатмалар берилди. Техника хавфсизлиги қоидалари бузилганлиги ва техник нозирнинг ёзма кўрсатмасини бажармаганлиги учун 60 нафардан зиёд мансабдор шахсларга 200 минг сўмга яқин жарима солинди.

Касаба уюшмалари техник нозирлиги хавфсиз ва соғлом иш шароитини таъминлаш ва ишлаб чиқаришда шикастланишнинг олдини олиш тизимини яратишда меҳнат хавфсизлиги бўйича меъёрий техник ҳужжатлаштиришга катта аҳамият бермоқда.

Ҳар бир корхона ва бўлинмаларда «Меҳнат муҳофазасини бошқариш тизими» ишлаб чиқилди. Бу тизим шубҳасиз соғлом иш шароити яратиш, меҳнат муҳофазаси бўйича тартиб ва услубларни ташкил қилишда хизматлар ва бўлинмалар вазифаларини белгилаб беради.

1998 йилда жамоатчиликнинг меҳнат муҳофазаси бўйича қизиқиши ва манфаатдорлигини ошириш мақсадида корхоналарда меҳнат муҳофазаси юзасидан жамоа назоратини ташкил этиш бўйича кўрик танлов ташкил этилди. Ғолибларга қимматбаҳо совғалар ва мукофотлар белгиланди. Ҳозир уларнинг якунлари бўйича иш олиб бормоқдамиз.

Шуни таъкидлаб айтиш керакки, меҳнат техник нозирлиги ишлаб чиқаришдаги шикастланиш, касб касаллигини камайтириш хавфли деб белгиланган иш жойларидаги камчиликларни бартараф этиш ишларига катта аҳамият бермоқда.

Корхоналарда тўла мажмуали текширувлар ўтказиб турибмиз. Уларга корхона раҳбарлари, бўлим бошлиқлари ёки бош муҳандис, касаба уюшма қўмитаси, меҳнат муҳофазаси бўйича муҳандислар жалб этилмоқда.

Текширувларнинг юқори даражада бўлишини таъминлаш мақсадида идора назорат органлари билан ҳамкорликда тузилган тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Шунингдек, техник нозирларни бир вақтда бир корхонанинг ҳамма бўлинмалари, хизматларини тўла текширишга сафарбар этиш усуллари қўлланилаётганлиги яхши самаралар бермоқда. Текширув якунлари тармоқ касаба уюшмамиз Марказий қўмитаси раёсатида кўриб чиқилади. Муҳокамада камчиликларга нисбатан муросасиз бўлишга интиламиз. Қабул қилинган қарор ижроси устидан қатъий назорат ўрнатилади.

Техник нозирлик касаба уюшма фаоллари меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш ишларига алоҳида эътибор бермоқда. Ҳудудий касаба уюшма қўмитаси ва корхоналар касаба уюшма қўмиталари билан янги сайланган касаба уюшма фаоллари ўқуви мунтазам ташкил этилмоқда. Меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар билан белгиланган муддатларда семинар машғулотлари олиб борилади. Бундай ўқувларга Тошкент темир йўл траспорти муҳандислари олимлари, бош техник нозир, қатор мутахассислар жалб этилмоқда.

Шунингдек, жойларда раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарлари, бош муҳандислари, техника хавфсизлиги бўйича муҳандисларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича билимларини текшириш юзасидан режа асосида тадбирлар ўтказилмоқда.

И.ЁҚУБОВ,
Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшма ходимлари Марказий қўмитаси бош техник нозири

Косонсой туманида «ТЕКМЕН» ўзбек-турк қўшма корхонаси қуриб битказилди. Жунни қайта ишлашга ихтисослашган корхонага ускуналар Франция, Италия, Германия, Польша мамлакатларидан келтириб ўрнатилди. Айни кунларда бу ерда синов ишлари олиб борилмоқда.

Суратда: ишчи Озода Ғаниева.
Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Қовоқдан - совға

Оддий қовоқдан санъат асари яратиш мумкинми? Бу саволга балиқчилик ҳунарманд Нурматжон Шарипов: «Албатта, яратиш мумкин»,- деб жавоб беради. Мана бир неча йиллардан бери у ўзининг қовоқдан ясалган совға буюмлари билан республика ва халқаро кўргазмаларда қатнашиб келади.

Нурматжон хомашё — қовоқни ўз ҳовлисида етиштиради. Асли касби рассом-наққош бўлгани учун ҳам у қовоққа турли бежирим тасвирларни туширириб, уни совга қилса арзигудек буюм даражасига етказади. Бу буюмлар хорижлик туристларни айниқса қизиқтирмоқда. Эндиликда у «Андижонтурист» ҳиссадорлик жамиятининг буюртмасига мувофиқ қовоқдан ноёб совғалар тайёрлашга киришди.

Демократик ҳуқуқий давлат сари

ТАЛАБАЛАР ЎРТАСИДА ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

Жамиятимизга билимли ва етук кадрлар етиштириб беришда Йўлдош Охунбобоев номидаги Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳам муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Хўш, олий билимгоҳда кадрлар тайёрлаш масаласи ислоҳот талаблари даражасидами? Давр руҳи ёшлар онгида қандай акс этган? Айнан шу масалаларни ёритиш мақсадида мазкур институт Маънавий-маърифий масалалар бўйича ректорининг биринчи муовини Абдусаттор АБДУҒАФФОРОВ билан суҳбатлашдик.

— Институтда талабаларнинг ҳуқуқий билимини ошириш юзасидан қандай тадбирлар амалга оширилянти?

- Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, ҳамда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган ҳар бир қонун талабалар ўртасида чуқур ўрганилиб чиқилади. Бу нарса — ёшларимизнинг ислоҳот талабларидан хабардор бўлишлари билан бирга ҳам сиёсий ҳам иқтисодий тарафдан чиниқтиради. Қолаверса, айтганингиздек, давр руҳини хис этишларида ҳам ёрдам беради. Иқтисодий тарафдан деган гапимга алоҳида изоҳ бериб ўтсам: ҳозир биз бозор иқтисодиёти шароитида яшаяпмиз. Ҳар бир фармон, қонун ва қарорлар бевосита иқтисодиёт билан боғлиқ. Бугунги кадрларимиз эса ўз ҳуқуқларини, қолаверса бурч ва масъулиятларини чуқур англамай туриб етук мутахассис бўлишлари мумкин эмас. Шунинг учун ҳам биз талабалар ўртасида ҳуқуқий тарғиботни кенг йўлга қўйганмиз. Институтнинг барча факультетларида, кафедралари ва талабалар уйларида «Ҳуқуқ бурчаги» ташкил этилиб, у керакли юридик адабиётлар ҳамда амалдаги меъёрий ҳужжатлар билан таъминланган. Бундан ташқари, талабалар ва ҳуқуқшунослар ўртасида жонли мулоқот уюштириб турамиз. Масалан, Яккасарой туман ҳуқуқ-тартибот органи ходимлари - ИИБ бошлиғининг ўринбосари Х.Умиров, аҳлоқ милицияси катта нозири Б.Юсупов, катта участка вакили А.Келдиев, туман прокурорининг ўринбосари В.Эрматов, терговчи М.Нуруллаев, вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича катта нозир Б.Бекназаров, участка вакили А.Ёқубовлар иштирокида Талабалар уйида савол-жавоб кечаси, «Талабаларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳамда ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва бошқа жиноятларнинг олдини олиш» мавзуида давра суҳбатлари ўтказилди.

- Талабаларнинг дарсдан бўш вақтларида маданий хордиқ чиқаришлари, учун қандай шароитлар яратилган?

Талабларнинг маданий хордиқ чиқаишлари учун яратилган шароитлар ҳақида гапиришдан олдин уларнинг яшаш шароитлари тўғрисида бир-икки оғиз тўхталиб ўтсак. Талабаларнинг аксарият қисми асосан республикамизнинг вилоятларидан келган ёшлардан иборат. Шунинг учун ҳам институтимиз тасарруфидаги 3 та талабалар уйида 400 дан ортиқ талаба-ёшлар истиқомат қилишади. Уларнинг ҳар бирида кўчма кутубхоналар, дам олиш хоналари, маданият ва маърифат хоналари мавжуд. Маданият ва маърифат хоналарида ҳар ойда кафедра кунлари ўтказилиб турилади, тикув билимлари технологияси кафедраси, чарм буюмлар технологияси кафедраси, тикув бўлимларини лойиҳалаш ва дизайн кафедраси ходимлари талабаларнинг олган назарий билимларини амалиётга тадбиқ этиш ҳамда ишлаб чиқаришга жалб қилишни йўлга қўйганлар.

Ёшлар ўртасида спорт турлари бўйича ҳар ҳафтада мусобақалар уюштириб турилади. Шунингдек, институтимиз тасарруфида 100 кишига мўлжалланган санаторий-профилакторий мавжуд бўлиб, унга етук мутахассислар жалб қилинган. Талаба-ёшларга бугунги кунда 3 ошхона, кафебар ва шунга ўхшаш бошқа бир қанча маданий-маиший масканлар хизмат кўрсатмоқда.

- Талаба ёшларни моддий, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилаётган экан. Уларнинг самаралари қандай?

Институт касаба уюшмаси қўмитаси билан ҳамкорликда бу масалага алоҳида эътибор бераяпмиз. Хусусан, режали равишда етакчи олимлар, санъаткорлар, кулги усталари билан учрашувлар ўтказилмоқда. Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан жонли мулоқотлар шу куннинг долзарб масалаларини теран англаш, республикамизда содир бўлаётган улкан ўзгаришлардан бохабар бўлиш имкониятларини бермоқда. Умуман, талабалардаги эртанги кунга бўлган ишонч, иштиёқ, изланиш ва ташаббускорлик кишини қувонтиради.

Суҳбатдош: Дилором АЛЛАҚУЛОВА.

КАДРЛАР ЎҚУВИГА БАҒИШЛАНДИ

Жиззахда давлат идоралари ходимларини ўқитиш ва малакасини оширишга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда шаҳар, туман ҳокимларининг ижтимоий масалалари бўйича ўринбосарлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамғармалар вилоят бўлимлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Семинарда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов Давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг нодавлат ташкилотлари билан ўзаро муносабатлари мавзуида маъруза қилди. ТАСИС дастури вакили Доминик Ариано мазкур дастурнинг жойларда давлат бошқаруви ислоҳотига қандай кўмаклашаётгани хусусида гапирди. Кенгашда фуқаролик жамиятини шакллантириш масалалари бўйича фикр-мулоҳаза билдирилди.

Йўлчи Жўра, ЎзА мухбири

Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса

ТОВОННИ КИМ ТЎЛАЙДИ?

Бахтсиз ҳодиса қирчиллама ёшда бўлган Хайриддинни ҳаётдан юлиб кетди. Келинлик сепининг охори тўкилмаган Муҳтарама Ғаниева мотамда қолди.

«Ўзбекрезинатехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари билан ўтган йилнинг 15 декабрида юз берган фалокат барчанинг қалбини ларзага солди. Аммо...

Қорлар ёғиб излар босилди, деб ўйлабми бахти қаро оилага ҳеч ким қайғурмади ҳам. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқаришда бахтсиз ходисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишларини ҳисобга олиш тўғрисидаги Низом»га мувофиқ ушбу ҳодиса Меҳнат вазирлиги ёки «Ўзсаноат контехназорат»нинг давлат техник нозирлари томонидан текширилиши лозим эди.

Афсуски, Меҳнат вазирлигининг вилоят Давлат техник нозирлари «Ўзъекрезинатехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси бизнинг тасарруфимизда эмас дейишса, «Ўзсаноатконтехназорат» техник инспекцияси эса Давлат автомобил назорати текшириши керак, деган баҳона билан ўзларини четга тортдилар. Марҳумнинг оиласига товон пулини ким тўлайди? Умуман, бахтсиз ҳодисада ким айбдор? Буни аниқлаш, хулоса чиқариш, жабрланувчиларга ёрдам бериш шунчалар машаққатли ишми? Бу қонун юзасидан ҳам, одамийлик нуқтаи-назаридан ҳам қараганда оддий ҳақиқат-ку?!

Бу ишга ниҳоят Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири кўрсатмаси билан вилоят тармоқ касаба қўмитасининг бош техник нозири С.Тўлаганов бошчилигидаги гуруҳ жалб қилинди. Гуруҳ бахтсиз ҳодисани текшириб, унинг келиб чиқиш сабабларини аниқлади. Жабрланганларга моддий ёрдам бериш тўғрисида далолатнома тошширилди.

Шундай қилиб меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш, бахтсиз ҳодисаларни ўз вақтида сифатли текшириш ва олдини олиш борасида жонбозлик кўрсатаётган касаба уюшмалари меҳнат техник нозирларининг аралашуви туфайли ҳақиқат юзага чиқди, адолат қарор топди.

Мирза ҲАМДАМ, «Ишонч» мухбири,

Қонун барча учун баробар

Текширувда аниқланди

СОХТА МАҲСУЛОТ

Қува тумани бозорида сотиш ва мувофиқлик сифат сертификати олиш учун лаборатория текширувидан ўтказилган «Красная Москва», «Ромашка» духилари, «Ромашка» шампуни ва қўл кремлари каби атторлик маҳсулотлари сохта эканлиги ошкор бўлди. Текширув натижасига кўра маҳсулот таркиби белгиланган нормаларга умуман жавоб бермаслиги, уни ким томонидан, қачон ишлаб чиқарилганлиги, фойдаланиш муддатлари ҳам кўрсатилмаганлиги аниқланди. Шунингдек, Фарғона ва Маргилон шаҳарларида ҳудудий стандартлаш ва сертификациялаш маркази солиқ инспекцияси билан ҳамкорликда ўтказган текширишларда ҳам «Халқобод» брендиси, шампан виноси ва бошқа айрим спиртли маҳсулотлар истеъмолга яроқсиз эканлиги маълум бўлди.

- Ўтган вақт давомида маҳсулот сифати ва истеъмол муддати сертификати мавжудлигини аниқлаш борасида 250 дан ортиқ текшириш ўтказилди,- дейди марказ бўлим бошлиғи В.Сташков. - Натижада 106 ҳолда алкоголли ичимликлар, озиқ-овқат ва тамаки маҳсулотлари мувофиқлик сифат сертификатларисиз сотилаётганлиги аниқланди. Бунга йўл қўйган шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Афсуски, айрим ҳолларда вилоятдаги ишлаб чиқариш тармоқларида ҳам маҳсулот сифатига эътибор берилмаётгани кузатилди. Жумладан, Қува туманидаги қурилиш материаллари комбинатида ишлаб чиқарилган темир-бетон маҳсулотлари, Маргилондаги йигирув-трикотаж корхонаси маҳсулоти белгиланган сифат талабларига жавоб бермаслиги аниқланди. Эндиликда бу камчиликларга йўл қўйганлар ҳам тегишли жазога тортилади.

Р.КАМОЛОВ.

Камчиликларга муросасиз бўлайлик

АЛЛО, «ИШОНЧ» ТЕЛЕФОНИМИ?

Навоий вилояти давлат солиқ бошқармасида ўрнатилган «Ишонч» телефони тинмай жиринглаб туради. Одамлар ўзлари кўрган ва бошдан кечирган нохушликлар, жойларда содир этилаётган қонунбузарликлар ҳақида телефон орқали маълум қилиб турадилар. Шу қўнгироқлар асосида тезкор гуруҳ аъзолари тезда жойларга чиқиб, берилган маълумотларнинг қанчалик тўғрилигини текшириб қайтадилар, аниқланган камчиликлар бўйича далолатномалар тузиб, айбдорларни қонуний жазога тортадилар.

Тушган маълумотларнинг бирида фуқаро О.Ғафурова Навоий шаҳридаги 17-мактабда дарсликлар сотиб юрганлиги маълум қилинди. Тезкор гуруҳ аъзолари дарҳол бориб текширув ўтказишганида ҳақиқатдан ҳам О.Ғофурова солиқ идорасида рўйхатдан ўтмай тижорат ишларини бошлаб юборганлиги, савдо-сотиқдан тушаётган даромаддан солиқ тўламай ўзи ўзлаштириб келаётганлиги маълум бўлди. Бунинг устига у ўқувчиларга бепул берилиши лозим бўлган дарсликларни оғзига сиққан нархда пуллаб юрган экан.

Текширув давомида калаванинг учи вилоят халқ таълими бўлими ҳузуридаги «Таълим-таъминот» корхонасига келиб тақалди. Ўтказилган тафтиш чоғида корхонада 46,4 минг сўм камомадга йўл қўйилганлиги, 104,5 минг сўмлик ҳисобда йўқ маҳсулотлар йиғилиб қолганлиги маълум бўлди. Пировардида бюджетга қўшимча 2463,8 минг сўм ўтказилиши ҳисобга олинди ва шу ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилди.

Акциз маркасисиз тамаки маҳсулотларини хуфя йўллар билан пуллаб юрган фуқаро Г.Турсуновнинг сири ҳам «Ишонч» телефони орқали фош этилди. У 95,2 минг сўмлик тамаки маҳсулотларини енг ичида пуллаётган пайтида қўлга тушди ва жиноий жавобгарликка тортилди. «Малик-Работ» фирмаси сотувчиси М.Ўрунованинг ҳам тақдири шундай бўлди. У уйда тайёрланган қўлбола ароқларни фирма дўкони орқали пуллаётганлиги ҳақида «Ишонч» телефонига маълумот тушган эди. Шу асосда солиқчилар ўтказган текширувда маълумотлар тўғри бўлиб чиқди. М.Ўринбоевадан сотувга чиқарилган 400 шишадан ортиқ сохта ароқлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Ўзига нисбатан эса жиноий иш қўзғатилди.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Ўтган йили вилоят давлат солиқ бошқармаси суриштирувчилари 140 дан ортиқ жиноий иш очган бўлсалар, шуларнинг учдан бир қисми «Ишонч» телефонига тушган маълумотлар асосида қўзғатилди. Қўнгироқларнинг бирортаси ҳам эътиборсиз ёки изсиз қолмаяпти. Шу боисдан ҳам одамларнинг «Ишонч» телефонига бўлган ишончи тобора ортиб бораяпти. Ўтган йили бошқарма «Ишонч» телефонига салкам 300 нафар киши мурожаат этганлиги ҳам шундан далолатдир.

Телефон орқали берилган маълумотлар бўйича қисқа вақт мобайнида акциз маркасисиз 168 минг сўмлик спиртли ичимликлар ва 134 минг сўмлик тамаки маҳсулотлари қўлга туширилди. 22 нафар қонунбузар 20 минг 300 сўм маъмурий жаримага тортилди. Қизилтепа туманидаги «Нотўқима» кичик корхонаси ҳисобчиси А.Фармонов эса 583,4 минг сўм даромадни яширгани учун туман судининг ҳукми билан унга 56,2 минг сўм жарима солинди.

Камчиликларга муросасиз, соф виждонли фуқаролар кун сайин «Ишонч» телефонига қўнгироқ қилиб яна янги-янги нохушликлардан солиқчиларни хабардор қилмоқдалар. Салбий ҳолатлардан тегишли ташкилотларни хабардор қилишнинг бундай шакллари барча тараққий этган мамлакатларда мавжуд. Америкалик солиқ тўловчилар ва фуқаролар «800» рақамини териб исталган солиқ идораси билан боғлана оладилар. 7000 нафар ходим телефонлар олдида навбатчилик қилади ва берилган маълумотни дарҳол ёзиб олиб тезкор гуруҳларга топширади. Агар маълумот тўғри чиқса ва бундан бюджет наф кўрса, маълумот берган киши ҳам мукофотсиз қолмайди.

Чамаси, бизда ҳам бутун республика бўйича бир хил рақамли телефон каналини очиш вақти келганга ўхшайди. 01,02,03 рақамлари каби солиқ идорасининг телефон рақами ҳам барча учун таниш бўлсагина одамлар қўнгироқ қилишдан эринмайди. Шунда солиқчилар билан жамоатчилик ўртасидаги алоқа янада мустаҳкамланади, қонунбузарларни қўлга тушириш ва қонун устиворлигини таъминлаш енгиллашади.

Жасур НОСИРОВ, журналист.

БИЗДАН СЎРАБСИЗ...

Саволларингизга Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг меҳнат ҳуқуқи Бош нозири Карим МУХТОРОВ жавоб беради:

* * *

Савол: Байрам кунлари ишга жалб қилиш ва бу ишланган кунлар учун компенсация бериш тўғрисида тушунтириш берсангиз?

Жавоб: Байрам, яъни ишланмайдиган кунлари ходимларни ишга жалб қилишга йўл қўйилмайди. Алоҳида ҳоллардагина иш берувчининг фармойиши бўйича жамоа шартномасида белгиланган тартибда байрам кунлари ходимлар ишга жалб қилиниши мумкин.

Агар муассасада жамоа шартномаси қабул қилинмаган бўлса, иш берувчи касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда ходимлар байрам кунлари ишга жалб қилиниши мумкинлиги қонунда кўрсатиб ўтилган:

Ишни тўхтатиши мумкин бўлмаган корхона, муассасаларда, доимий қўриқлаш зарур бўлган объектларда, аҳолига хизмат кўрсатиш зарурати бўлган ишларда, кечиктириб бўлмайдиган таъмирлаш ва юк ортиш ҳамда тушириш ишларида байрам кунлари ишлашга йўл қўйилади:

меҳнат қонунчилигида айрим ходимларни байрам кунлари ишга жалб қилинишида чеклашлар кўрсатиб ўтилган;

жумладан ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларни байрам кунлари ишга жалб қилиниши умуман таъқиқланади;

ногиронлар, ҳомиладор аёллар ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёллар уларнинг розилиги олингандан кейингина ва бундай ишлар тиббий тавсияларда тақиқланмаган бўлса, улар байрам кунлари ишга жалб қилиниши мумкин.

Байрам кунларидаги ишлар учун камида икки ҳисса миқдорда ҳақ тўланади. Тўланадиган ҳақнинг миқдори икки ҳиссадан ҳам ортиқ бўлиши мумкин. Унинг аниқ миқдори жамоа шартномасида кўрсатилади. Агар жамоа шартномаси қабул қилинмаган бўлса, байрам кунидаги ишга тўланадиган ҳақнинг миқдори касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда белгиланади.

Ходимнинг хоҳишига кўра унга байрам куни ишлаганлиги учун бошқа дам олиш куни берилиши мумкин. Ходимга дам олиш куни берилган тақдирда, унга бундай ишлар учун камида бир ҳисса миқдорида меҳнат ҳақи тўланади.

Савол: Чилонзор туманидаги 1-клиника шифохонасининг реанимация бўлимида ҳамшира бўлиб ишлайман. 1995 йил 9 ноябр куни туғилган Асрор исмли ўғлим дояларнинг айби билан ногирон бўлиб қолди ва унга 2100 сўм пенсия тайинлашди. Ногирон ўғлимга қараш учун менга олти ой таътил беришди. Таътил кунларим учун менга ким ҳақ тўлайди?

Ю. Йўлдошева

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигида ногирон боласига қараб туриш учун берилган таътилга ҳақ тўлаш кўрсатилмаган. Лекин қонунчиликда ўн олти ёшгача ногирон боласи бор аёлларга бериладиган бошқа бир қатор имтиёзлар кўрсатиб ўтилган.

Ўн олти ёшгача ногирон боласи бор аёлларга уларнинг илтимосига мувофиқ, иш берувчи тиббий хулоса асосида тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилаши шарт. Тўлиқсиз иш вақти белгиланганда ишлаган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга мутаносиб равишда ҳақ тўланади.

Ногирон боласини тарбиялаётган ота-онасининг бирига бола ўн олти ёшга тўлгунга қадар бир кунлик иш ҳақи тўлаш шарти билан ойига қўшимча бир дам олиш куни берилади.

Ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга йиллик таътиллардан фойдаланишда ҳам имтиёзлар ва қўшимча таътиллар олиш ҳуқуқлари берилган. Бундай аёлларга уларнинг хоҳишига кўра ёз вақтида ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда йиллик меҳнат таътиллари берилади. Яна уларга ҳар йили уч иш кунидан кам бўлмаган муддатга нақ тўланадиган қўшимча таътил ва уларнинг илтимосига мувофиқ ҳар йили ўн тўрт календарь кунидан кам бўлмаган муддат билан иш ҳақи сақланмайдиган таътил берилади.

Булардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 59-моддасига асосан болалигидан ногирон бўлган ва доимий парваришни талаб қиладиган фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота-онасидан бири ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида даромадига солинадиган солиқдан озод қилинади.

Агар ўғлингизнинг ногирон бўлишлигида дояларнинг айби борлиги тўғрисида низо келиб чиққан бўлса, судга ариза билан мурожаат қилишингиз мумкин.

Савол: Корхона ёки муассаса раҳбари касаба уюшмаси қўмитасининг раисига бирон-бир ишни бажариб келиши учун кўрсатма беришга ҳуқуқлими?

А. Норматов, Хатирчи тумани.

Жавоб: Касаба уюшма қўмитасининг раиси сайлаб қўйиладиган лавозим ҳисобланади. У ўз иш фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг Низоми ва амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида касаба уюшмалари ўз фаолиятида давлат бошқарув идораларидан, хўжалик идораларидан, сиёсий ва бошқа жамоат ташкилотларидан мустақиллиги, улар олдида ҳисобдор эмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Шундай экан, сайлаб қўйилган касаба уюшмаси қўмитасининг раисига иш берувчи тўғридан-тўғри бирон-бир ишни бажариб келишга кўрсатма беришга ҳаққи йўқ.

(Бу ерда бошланғич касаба уюшма қўмитасининг раиси ҳам бўлиши мумкин, вилоят касаба уюшма қўмитасининг раиси ҳам бўлиши мумкин).

Бу дегани, касаба уюшма қўмитасининг албатта, муассасадаги камчиликларни била туриб, ҳеч қандай чора кўрмайди деган гап эмас. Камчиликларни тугатиш юзасидан касаба уюшма қўмитаси маъмурият билан биргаликда иш олиб бориши керак.

Бунинг учун касаба уюшма қўмитасининг раиси комиссия таркибига киритилиши ва иш берувчи унга мурожаат қилиши мумкин.

Ҳозирги кундаги амалиётда раҳбар касаба уюшмаси қўмитасининг раисига муассасада бошқа ходимларнинг бўлишига қарамай, «Профком раиси ушбу аризани текшириб, муаллифга хабар қилинг ва менга ахборот беринг» деган ёзма кўрсатмаларнинг гувоҳи бўламиз. Бу нотўғри. Ҳар бир ходим ўз вазифаси билан шуғуллангани маъқул.

Наманган гулу гулзорлари, олма-ю анорлари, кўз етмас пахтазорлари билангина эмас, меҳмондўст ва меҳнаткаш халқи, кураги ерга тегмаган полвонлари, кушни ҳам кувиб етадиган чавандозлари билан донг таратган. Лекин бозор муносабатларига ўтиш босқичининг ўзига хос қийинчиликлари, хусусан, спортчилар фаолиятини йўналтиришда ҳам ўз таъсирини ўтказаётир. Шунинг учун ҳам вилоят ҳокимлиги яхши бир ташаббус билан чикди. Бу ерда ногиронлар спортини ривожлантириш ва спортчиларни қўллаб-кувватлаш вилоят уюшмаси ташкил этилди.

ТАШАББУС

Наманганда спортчиларни ижтимоий ҳимоялаш уюшмаси ташкил этилди.

— Дарҳақиқат, вилоятимиз шаҳар ва туманлари ҳокимликлари жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга эътиборни кучайтирмоқдалар,- деди биз билан суҳбатда уюшма раиси Эркинжон Норматов.- Зероки, Президентимиз бот-бот уқтираётганларидек, фуқароси соғлом ва бақувват давлатгина қудратлидир. Биргина мисол: Сўнгги вақтларда Наманган туманида 15 минг ўринли стадион, Норин туманида эса теннис корти ишга тушди. Вилоят марказида халқаро андозалар талабидаги теннис корти ва улкан «Паҳлавон» спорт мажмуи қуриб битказилди. Кези келганда «Навбаҳор» ва «Косонсойчи» футбол командаларимизнинг мамлакат чемпионатида қатнашиб келаётганлигини таъкидлашни истардим. Шахсий биринчиликларда ҳам спортчиларимиз қўлга киритишаётган ютуқлар чакги эмас. Чунончи, бугунги кунда Наманган шаҳридан Кандаковалар оиласининг довруғи оламга таралган. Оила бекаси Муҳаббат Кандакова енгил атлетика бўйича Европа чемпиони. Унинг турмуш ўртоғи Валерий Кандаков ҳам республика мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб келмокда. Чустлик мураббий Ҳабиб Сулаймоновнинг ўғли Темур XIII Осиё ўйинларида бокс бўйича кумуш медалга сазовор бўлганлигини барча спорт мухлислари яхши билишса керак. Шунингдек, Наманган шаҳридан Баҳодир Холмирзаев ўсмирлар ўртасида республика чемпиони бўлиш билан бирга Туркия ва Испанияда ўтказилган шахмат беллашувларида совринли ўринлардан бирини эгаллади. Миллий курашда Бахтиёр Бозоров номи тилга тушди. Спортчиларимиздан Елена Квятковская, Сергей Максимов ҳам Таиландда ўтказилган XIII Осиё ўйинларида мамлакатимиз терма командаси эришган ютуққа муносиб ҳисса қўшдилар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Таассуфки, ҳаёт фақат ютуқлару зафарлардангина иборат эмас. У ёки бу сабабга кўра ҳозирга келиб ногирон бўлиб қолган, ёхуд туғма ногирон, лекин яшашга бўлган иштиёқи туфайли спорт билан фаол шуғулланиш истагини қалбига жо қилган инсонлар ҳам талай. Жумладан, Наманган шаҳри ва туманлардаги кўзи ожизлар корхоналари ва жамиятлари, кўр-соқовлар жамиятлари қошида иш олиб бораётган спорт тўгаракларига уюшган ҳамюртларимиз жамиятимизнинг тўлақонли аъзолари сифатида ўзларини қизиқтирган соҳалар бўйича спорт тўгаракларида фаол иштирок этмоқдалар. Улар орасидан ҳам ўнлаб кишилар туман, вилоят ва мамлакат ҳамда халқаро миқёсда ўтказилаётган беллашувларда фахрли ўринларни эгалламоқдаларки, биз улар эришаётган муваффақиятлар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

— Лекин шу нарсани очиқ тан олиш керакки,- дея давом этди уюшма раиси, - бугунги кунда ногирон спортчиларимизнинг, умуман, спортчиларимизнинг ўз фаолиятларини давом эттиришлари, турли беллашувлар ва мусобақаларда иштирок этишликлари осон кечмаяпти. Бинобарин уларни ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоялаш, орамиздаги истеъдодли йигит ва қиз спортчилар, ногиронлар ичидан етишиб чиққан ва чиқаётган жисмоний тарбия ҳамда спорт юлдузларини ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг эркин шуғулланишлари, ўз қобилиятларини намоён этишликлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш, оилаларини тебратишларига кўмаклашиш муҳим вазифаларимиздан бирига айланган. Шу билан бир қаторда барча спортчиларни, айниқса ногиронлар орасидан спортга яроқлиларини ҳам ижтимоий, ҳам руҳан қўллаб-қувватлаш, вилоят, республика ва халқаро спорт мусобақаларида иштирок этишларини таъминлаш, бунинг учун хўжалик, тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш йўллари билан ижтимоий қўллаб-қувватлаш уюшма фаолиятининг бош мезонидир.

Эркин Норматов таъкидлаб ўтганидек, уюшма иш бошлаганидан бери ўтган қисқа вақт ичида бир мунча тадбирлар амалга оширилдики, уларни мамнуният билан тилга олиб ўтса арзийди. Масалан, ҳозирдаёқ қатор туманларнинг ҳокимликлари, вилоятдаги ўнлаб ташкилотлар, тадбиркорлар билан алоқалар ўрнатилиб, улар билан ногирон спортчиларни, умуман, спортчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳомийликка олиш юзасидан шартномалар тузилди. Чунончи, Янгиқўрғон, Наманган ва Поп туманларининг ҳар бири биринчилар қаторида ана шу мақсадда уюшма ҳисоб рақамига 100 минг сўмдан маблағ ўтказиб бердилар. Бу борадаги эзгу ҳаракатда, айниқса, Обиджон Маҳмудов раҳбарлигидаги вилоят тадбиркорлар палатаси намуна кўрсатганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу тадбиркорлар палатаси вилоятдаги ногиронлар ва умуман, спортчиларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадлари учун 200 минг сўмлик маблағ инъом этди. Наманган ёғочни қайта ишлаш корхонаси ва бошқа бир неча ташкилот ҳамда тадбиркорлар вилоят спортини ривожлантиришга ўзларининг амалий ҳиссаларини қўшдилар.

-Ҳозир вилоятдаги мавжуд спортчиларни қайтадан ҳисобга олиш ишларини бошлаб юбордик,-деди суҳбатимиз сўнггида уюшма раиси. - Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, уларнинг сони 30 минг кишидан ортди. Биз улар кучғайратини бирлаштириб вилоятда спортни кенг қанот ёздириш чораларини кўрмоқдамиз. Шу йўналишда Аёллар йилига бағишлаб қатор тадбирларни ўтказиш режаларини ишлаб чиқдик. Яқин орада кар-соқов ва кўзи ожизлар ўртасида шахмат-шашка мусобақалари ўтказилади. Кейинроқ вилоятдаги барча ногиронлар ўртасида шахмат-шашка, стол теннниси ва кичик футбол спартакиадасини уюштирамиз. Ғолиблар республика ногиронлар спартакиадасида қатнашиш учун йўлланма оладилар. Умуман барча спортчиларимизнинг ўз йўналишлари бўйича мавжуд спорт шахобчаларида машғулотлар ўтказишлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиб берамиз.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Касаба уюшмалари Қашқадарё вилоят кенгашига қарашли кутубхона кўпинча гавжум. Бу ерга ташриф буюрувчилар ўзлари истаган адабиётларни мутолаа қилишлари мумкин. Кутубхона мудираси Раъно Чориеванинг (суратда) ташкилотчилиги туфайли китоб фонди бойиб бормоқда.

Ш.СУЛТОНОВ олган сурат

Мамлакатимизда ҳаракатланиш хавфсизлиги ойи бошланди

ЛОҚАЙДЛИК ҚИММАТГА ТУШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 7 январдаги Фармойишига мувофиқ 20 январдан 20 февралга қадар мамлакатимизда ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги ўтказилади. Бундан кўзланган мақсад нима? Республика ИИВ ДАН Бош бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Х.ЗОКИРОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

- Мақсад битта,- дейди Холмат Акбарович,- йўлтранспорт ҳодисаларининг олдини олиш, остона ҳатлаб кўчага чиққан ҳар бир фуқаронинг яна уйига соғ-саломат кириб боришини таъминлаш.

Келинг, кези келганда бу борада 1998 йил давомида амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар ҳақида мулоҳаза юритайлик.

Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида йўл-транспорт ҳодисалари сони бироз ортган бўлса-да, республикамиз миқёсида бу борада мўътадиллик сақланиб қолди. Аммо ҳайдовчилар айби билан рўй берган автофалокатлар 0,4 фоиз, шу туфайли жароҳатланганлар сони эса 4,4 фоиз кўпайди. Жумладан, спиртли ичимлик ичиб рул бошқарган ҳайдовчилар айби билан содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари сони 2,6 фоиз ортди.

Чуқурроқ мушоҳада юритсангиз, бу рақамлар замирида кўплаб юртдошларимизнинг олам-олам изтироблари бор. Мисол учун, шу йилнинг бошида Бухоро вилоятининг Пешку туманида содир этилган йўл-транспорт ҳодисасини олиб кўрайлик. «Боғимусо» хўжалигида яшовчи Азамат Чўлиев ўзига тегишли автомашинани «Ўзбекистон» хўжалиги худудида бошқариб бораётиб, йўлни кесиб ўтаётган пиёда Охунжон Йўлдошевни уриб юборган. Натижада жабрланувчи касалхонада вафот этган.

Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида ҳам шунга ўхшаш фалокат содир бўлди. Тахминан соат иккиларда Арабжон Норматов исмли шахс ўз автомобилида Тошкент-Ўш йўлининг 342-километрида икки пиёдани уриб юборган. Натижада жабрланувчиларнинг бири воқеа юз берган жойда ҳалок бўлган, иккинчиси шифохонага ётқизилган.

Шуниси ачинарлики, айрим фуқаролар билиб туриб ўзининг ва ўзгаларнинг ҳаётини хавф остига қўядилар. Техник носоз транспорт воситасидан фойдаланиш, қаттиқ чарчоқлик ёки мастлик таъсирида рулга ўтириш, тезликни меъёрдан ошириш, светофорнинг тақиқловчи чироғи ёниб турганда ҳаракатланишни давом эттириш ва бошқа қоидабузарликлар фалокат сари онгли равишда қўйилган қадам эканлигини яхши билсаларда, шундай номақбул ҳатти-ҳаракатлардан воз кеча олмайдилар. Юқорида айтилган автофалокатларнинг туб илдизлари ҳам айнан ана шу иллат билан боғлиқ.

Ўтган йилнинг март ойида ҳам худди шундай тадбир ўтказгандик. Натижа эса биз кутганимиздан ҳам самаралироқ бўлганди.

Энг аввало, таъкидлаш керакки, ўшанда турли йўлтранспорт ҳодисалари кескин камайди. 1997 йил март ойида 700 га яқин автофалокат рўйхатга олинган бўлса, 1998 йилнинг март ойида 576 та шундай кўнгилсиз ҳодиса қайд қилинди. Жароҳатланганлар сони 108 тага қисқарди. Бу шунча фуқаро тасодифий азоб-уқубатдан, майиб-мажруҳликдан асраб қолинди, деган сўз.

Боласи ғўра еса, отасининг тиши қамашади, деган гап бор халқимизда. Ҳаммамиз ҳам фарзандимиз товонига тикан кирмасин, деб ният қиламиз. Аммо ҳар сафар ҳам сизу бизнинг ниятларимиз ижобат бўлавермас экан.

Таҳлиялар шуни кўрсатяптики, содир этилаётган ҳар учинчи ёки тўртинчи автофалокатдан норасида болалар жабр кўрмоқдалар. Бу кимнинг ҳам қалбини ларзага солмайди дейсиз! Болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш учун биринчи навбатда ота-оналар жон куйдиришлари керак. Кўп ҳолларда эндигина атак-чечак қадам ташлаётган болакайлар ҳам катталар назоратидан четда қолишяпти. Бунга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Қолаверса, мактабгача тарбия муассасаларида ва мактабларда йўл ҳаракати қоидаларини ўргатишни сифат жиҳатдан яна ҳам юқори поғонага кўтариш лозим. Агар бу йил йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини факультатив машғулот сифатида эмас, балки мустақил дарс сифатида ўтилишини йўлга қўя олсак, болаларимизни автофалокатлардан ҳимоя этиш борасида катта иш қилган бўлар эдик.

Бинобарин, истиқболимизда турган ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлигини бир ой ичида ўтиб кетадиган, кейин ҳамманинг эсидан фаромуш бўладиган шунчаки кампания деб қабул қилмаслик керак. Бу, яна бир бор таъкидлайман, мустақил юртимизда яшаб, меҳнат қилаётган ҳар бир фуқаронинг сиҳат-саломатлиги, оилавий хотиржамлиги муҳофазаси учун бошланаётган ҳаракатдир. Шунинг учун барча вазирликлар, корхона ва ташкилотлар, ўқув юртлари, мактаблар ва мактабгача тарбия муассасалари жамоалари, барча фуқаролар бу тадбирда фаол иштирок этишларини хоҳлардим.

Р.ҚОСИМОВ /ЎзА/

Ҳар тўғрида

АЖАБТОВУР ВОҚЕА

Жанубий Куриянинг Чинхе шаҳрида яшовчи Им исмли 40 ёшли фуқаро ўзини СПИД вируси билан заҳарланган деб ўйлаб фақат ўзини эмас, бутун оила аъзоларини ҳам ўлдирмоқчи бўлди. Бу ниятини амалга ошириш учун у хотини ва икки фарзандини дам олиш куни машинада сайрга олиб чиқди ва автомобилни тўппа-тўғри электр симёғочига олиб бориб урди.

Қаттиқ зарбдан Имнинг рафиқаси ўша заҳоти вафот этди, иккала бола эса реанимацияга тушди. Ўзига эса ҳеч қандай зарар етмади. Им ўзининг тирик қолганидан норози бўлиб, энди бошқача йўл тутди. Яъни у томоғи ва венасини кесди.., бироқ бу иши ҳам муваффақиятсиз чиқди.

Ҳозир у шифохонада даволаняпти.

Юқоридаги воқеанинг ажабланарли томони шундаки, у ҳалокатга олиб келувчи вирус билан заҳарланганлигини аниқ билмай бу ишга қўл урган. Баданининг баъзи жойларида доғлар пайдо бўлганидан ваҳимага тушган. Хотининнинг ўлими ва фарзандларининг шикастланишига сабабчи бўлишдан аввал Им Куриядаги бепул бўлган тиббий кўрикдан бир мартагина ўтса кифоя эди.

ЭРТАНИ ЎЙЛАМОҚ ЛОЗИМ

Биз инсонлар борган сари табиатга нисбатан бераҳм бўлиб бораяпмиз. Олимларнинг сўнгги ўтгазган текширишларидан маълум бўлишича, Ер ҳозиргача ўзидаги бутун табиий бойликларининг 1/3 қисмидан ажралган. Ичимлик суви ҳам тобора камайиб бормоқда. Кейинги вақтда сув қушлари, балиқлар ҳам қарийб икки мартага камайган. Бунинг устига ер шари аҳолиси йилига ортиб бормоқда. Денгиз неъматларидан фойдаланиш 1965 йилга нисбатан икки марта ортган. Одамлар кўпаймоқда, талаб ортмоқда, моддий бойликлар эса борган сари камаймоқдаки, бу нарса биздан уларга нисбатан ғамхўрликни кучайтиришни тақозо этади.

Инсон - сирли олам

ЭЛ НЕТИБ ТОПГАЙ МЕНИКИМ...

Муштарийларимиздан келаётган аксарият хатлар мазмунидан маълум бўладики, одамларнинг ўзаро муносабатлари, мулоқотлари уларни кўпроқ безовта қилади. Турли соҳа кишилари иш ўрнида, жамоат жойларда ёки оилада бўладиган тўқнашувлар ҳақида ёзишади. Ушбу ҳаётий муаммолар устида фикр юритиш учун биз «Интермед» халқ табобат марказининг президенти Л.Горенкова билан суҳбатлашдик.

- Айтиш керакки, инсонларнинг ўзаро муносабатларини ўрганиш энг мураккаб ишлардандир. Одамдаги хасталикнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилмасдан туриб, уни даволаш катта самара бермайди. Чунки хасталик ўзининг бошланиш нуқтасидан туриб даволанмаса, у маълум бир вақт ўтгач яна қайтарилиши мумкин. Лекин энг оғир муаммо шундаки, хасталик инсоннинг ҳаёт тарзи ва дунёқарашига сингиб кетмаган бўлсин.

Марказимизга ташриф буюрган мижозлар аллақандай ўткинчи оғриқ ёки носоғломликдан эмас, балки психологик муаммолардан арз қилаётирлар. Ваҳоланки, бу беморлар ўз қалбларида худбинлик, ҳасад, дангасалик ва жаҳолат ҳукм сураётганини, улар қайсидир маънода меҳр- муҳаббат туйғуларидан узоқлашиб кетганларини тан олишмайди. Уларнинг хасталигига бир сўз билан «муҳаббатдан маҳрум» деб ташхис қўйса бўлади.

- Тиббиётда шундай ташхис ҳам қўлланадими?

- Албатта қўлланади. Одамлар назаридан узоқлашган ёки бировга илиқ қалб билан қарай олмайдиганларга шу ташхис қўйилади. Психологларнинг таъкидлашича, бу ташхис асосан ўз муҳаббатини биргина манбада деб биладиган уй бекалари, илм-фанга муккасидан кетган ходимларда учрайди.

- Бу хасталикнинг аломатлари қандай?

- Ҳар бир ҳолат ўзига хос хусусиятга эга. Лекин умумий кўринишлар ҳам йўқ эмас: қўққисдан бўғилиш, юрак атрофидаги оғриқлар, тушиб-кўтарилиб турувчи қон босими, ошқозон фаолиятининг бузилиши, турли хил аллергиялар, язва, тери ва таносил касалликларининг баъзи кўриниши, ортиқча семириш ёки озиш ҳолатлари. Беморлар одатда, терапевт, невропотолог, хирургда даволанишади. Касалликларнинг келиб чиқишига ҳаётий муаммолар, тақдирни айбдор деб биладилару, лекин ўзларини айбдор деб тан олишмайди. Ваҳоланки, ҳис-ҳаяжонлар билан боғлиқ бўлган мазкур хасталикларни қоида бўйича психотерапевтда даволатиш мақсадга мувофиқроқдир.

Одамларнинг хасталикларга мойиллиги улар соғлиғининг ёмонлигидан эмас, кўпроқ уларнинг ҳаётга бўлган муносабатидан келиб чиқади. Масалан, ҳис-ҳаяжон билан боғлиқ бўлган бу моддий дунёда ишингиз юришмаса, бу ҳолат организмда ҳам кўчади. Бундай хусусият кўпинча болаликдан мерос қолади — йиғлашга тушган сари. Бир неча йил аллергик ринит билан хасталанган. Доимо бўғилишдан нолиган. Шифокорлар дори бериб кўришди, экстрасенслар «қўл югуртиришди», домлалар дуо ўқиб шифо бермоқчи бўлишди. Бари бефойда. Хасталикнинг бош сабабчиси деб бемор аёл ҳам, унинг ота-онаси ҳам эрни билишарди. Бечора эр эса ўзини бемор қаршисида айбдор ҳисобларди. У уззу кун хотинини ҳаётга қайтаришга тиришарди. Сурункасига бир неча йил давом этган бу ташвиш эрининг ҳаёт тарзига айланиб бўлган эди.

Биз беморни ўз уйида кузатдик. У кўринишидан бувисидан бир неча ёш каттадек туюларди. Хасталикнинг бош сабаби эса эрининг мунтазам ичиб келиши, креслода букчайиб ухлаши ва хотинига эътиборсизлигида экан. Эридан муҳаббат туйғуларини ололмаган аёл жаҳл ва важоҳат устида ўзини касалманд ҳисоблаб ич-этини еб юради. Хасталигининг барча аламларини эса эридан олади. Ҳаётидаги жинсий ва маиший кемтиклик уни доимо «заҳарлаб» ётганлигини аниқладик. Шу ўринда аёл, нима учун эри ичкиликка ружу қўйгани, унинг билан бирга эмас, креслода букчайиб ётиши ҳақида чуқурроқ ўйлаш ўрнига, ўз касаллиги билан қасос оларди. Кўриниб турибдики, бу ҳолатда ҳам муҳаббатдан маҳрумлик ташхиси қўйилаётир.

Шунда биз аёлга ижтимоий меҳнат билан шуғулланишни, доимо мулоқот ва ҳаракатда бўлишни, эрига меҳрлироқ бўлишни маслаҳат бердик. Натижаси ёмон бўлмади. Кўп ўтмай шифокорлар унда ҳеч қандай бўғилиш аломатлари йўқлигини аниқладилар. Аёл эса ўзини турли касалликларга ишонтириб юрган бўлиб чиқди.

Нодир АЛИМОВ суҳбатлашди.

1999 йил — Аёллар йили

ОҚИЛУ ФОЗИЛАЛАР МАДҲИ

Фарғона шаҳридаги Аҳмад ал-Фарғоний номли вилоят кутубхонасида Аёллар йили муносабати билан «Давр — аёл тақдирида» деб номланган туркум кўргазма ташкил этилди. Унга ўзбек аёлларининг матонатли меҳнати, оналар тўғрисида турли матбуот нашрларида чоп этилган илмий ва публицистик мақолалар қўйилган. Нодирабегим, Увайсий, Анбар отин сингари оқилу доно, фозила шоираларнинг, Фарғона заминида етишиб чиққан, эл таниган таниқли санъаткор аёлларнинг тақдири ҳақида ҳикоя қилувчи лавҳаларга кенг ўрин берилган. Аёлларимизнинг мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, баркамол ёш авлодни тарбиялаш борасидаги муҳим ишларини кўрсатувчи ранг-баранг маълумотларга алоҳида бўлим ажратилган.

НАВРЎЗГА ҲОЗИРЛИК

Бухоро вилояти шаҳар ва туманлари марказларида, қишлоғу — маҳаллаларида ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Наврўз байрами муносабати билан ишга тушириладиган иншоотлар рўйхатини тузишга киришилди. Вилоят марказида ўтказиладиган театрлашган томошанинг сценарийси яратилмоқда.

Янгиланиш, гўзаллик ва бунёдкорлик айёми арафасида етим- есирларга, боқувчисини йўқотган оилалар, якка-ёлғиз қариялар ва ногиронларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш тадбирлари ишлаб чиқилмоқда. Бу хайрли ишларни йирик корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек «Наврўз», «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод учун» жамғармаларининг вилоят бўлимлари ҳамкорликда амалга оширади.

ИШОНЧ
ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ НАШРИ

Бош муҳаррир: Мирғиёс ҚАЮМОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ-56-85--66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01, Наманганда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-19-11.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди 22.00

Буюртма Г— 027. Нусхаси — 16.608.